2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 121 (1720), 2026 йил 17 июнь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

## ЎЗБЕКИСТОН — АЛБАНИЯ: КЕНГ ҚАМРОВЛИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай рафиқаси ҳамроҳлигида расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.**



Шу муносабат билан Кўксарой қароргоҳида Албания Республикаси Президенти Байрам Бегайни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий кутиб олиб, шоҳсупага таклиф қилди.

Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Албания давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Ўзбекистондаги ислоҳотлар дунё мамлакатлари, йирик халқаро ташкилотлар, иқтисодий тузилмалар ҳамда йирик сармоядорлар қизиқишини оширмоқда. Пойтахтимиз мезбонлик қилаётган навбатдаги катта анжуман — V Тошкент халқаро инвестиция форуми эса ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. 2022 йилдан буён ташкил этиб келинаётган ушбу йирик анжуман ўтган вақт мобайнида мамлакатимизнинг инвестициявий салоҳиятини кенг намоён этиш, хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни шакллантириш ва илгари суриш учун муҳим халқаро майдонга айланиб улгурди.

Давоми 2-бетда

## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов ва Беларусь Республикаси Бош вазири Александр Турчинни қабул қилди.**



Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Товар айирбошлаш барқарор ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан буён унинг ҳажми 20 фоизга ошди. Энергетика, металлургия ва иқтисодиётнинг бошқа устувор тармоқларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиш суръатини сақлаб қолишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш ҳамда саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон етакчиси ҳудудлар даражасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда маданий ва таълим алмашинуви дастурларини илгари суриш муҳимлигини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда тўхтаб ўтган Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим билан учрашув ўтказди.**

Самимий мулоқотда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, уларни амалий мазмун билан бойитиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Олий даражадаги ўзаро ташрифлар натижасида мамлакатларимиз ҳамкорлиги мутлақо янги босқичга кўтарилди. Хусусан, йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ўсди, қўшма корхоналар сони эса 50 тага етди. Турли даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари айни кунларда Ўзбекистонда бўлиб турган Малайзиянинг “Petronas” корпорацияси делегацияси билан музокараларнинг аҳамиятига тўхталиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида стратегик лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш зарурлигини қайд этди.

Жумладан, нефть-кимё, юқори технологиялар, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика ва бошқа устувор соҳалардаги лойиҳаларни илгари суришга эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида ислом молияси, ҳудудлараро алоқалар, зиёрат туризми, тўғридан тўғри авиақатновлар сонини ошириш ҳамда маданий алмашинувлар йўналишларидаги ҳамкорлик истиқболларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимни Ўзбекистонга алоҳида ташриф билан келишга таклиф қилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Тошкент халқаро инвестиция форуми тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Эксимбанки президенти ва раиси Жон Йованович ҳамда Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Бэн Блэк билан учрашув ўтказди.**

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмонлар давлатимиз раҳбарига АҚШ Президенти Дональд Трампнинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Музокаралар давомида мазкур институтларнинг Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантириш, муҳим минералларни ўзлаштириш, энергетика, сунъий интеллектни жорий этиш ҳамда рақамлаштириш каби юқори технологияли стратегик лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этиши билан боғлиқ масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

АҚШ Эксимбанки билан ҳамкорлик йўналишида энергетика тармоғини модернизация қилиш бўйича қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан келишувга эришилди. Маҳаллий тадбиркорларнинг устувор соҳалардаги ташаббуслари учун экспорт кредитларини тақдим этишни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

“DFC” корпорациясининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, энергетика тармоғи ва инфратузилмани модернизация қилишга қаратилган қўшма инвестиция платформасини ишга тушириш бўйича ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Тошкентда янги халқаро аэропортни қуриш, Фарғона вилоятида замонавий тиббиёт мажмуасини ташкил этиш, рақамли банкни ишга тушириш, дата-марказлар ва қуруқ портларни барпо қилиш каби йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг амалий босқичига ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув якунида муҳокама қилинган инвестициявий ва технологик лойиҳаларни илгари суриш бўйича қўшма “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШнинг етакчи компаниялари делегацияси билан ҳам учрашди.

Учрашувда АҚШ Эксимбанки президенти ва раиси Жон Йованович, Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Бэн Блэк, АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм ҳамда “Air Products”, “Cove Capital”, “Templeton Global Investments”, “Boeing”, “77 Construction”, “BlackRock”, “FLS”, “Visa”, “JP Morgan”, “Meta”, “GULF” корпорациялари раҳбарлари ва яна бир қатор компаниялар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари мазкур учрашув охирги йилларда вужудга келган яхши анъананинг давоми, АҚШ ишбилармонларининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришга қизиқиши ортиб бораётганининг тасдиғи эканини мамнуният билан қайд этди.

Давоми 2-бетда




## СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

6

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**17-18 июнь кунлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади.**

Ўзбекистон ва Германия барқарор сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлашга асосланган икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириб бормоқда.



Халқаро жараёнларнинг жадал ўзгариши ва давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги ортиб бораётган ҳозирги шароитда Тошкент ва Берлин ўртасидаги шериклик тобора тизимли ва кўп қиррали тус олмоқда.

Германия 1991 йил 31 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар эса 1992 йил 6 мартда ўрнатилган. Ўтган даврда сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, таълим ва маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олувчи ҳамкорликнинг мустаҳкам институционал пойдевори шаклланди.

Давоми 2-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН — АЛБАНИЯ: КЕНГ ҚАМРОВЛИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Албания Президенти Байрам Бегайнинг мамлакатимизга расмий ташрифининг мазкур халқаро форум кунларига тўғри келгани ҳам икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун айни муддаодир.

Болқон ярим оролининг жануби-ғарб қисмида жойлашган Албания иқтисодиётида озиқ-овқат, енгил саноат, кончилик ва ёғочсозлик тармоқларининг салмоғи катта. Нефть, хром, мис рудалари, битум қазиб олинади. Қишлоқ хўжалиги ҳам анча ривожланган. Булар эса ушбу тармоқларда янги ташаббус ва лойиҳаларни амалга оширишга замин яратади.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Байрам Бегайнинг расмий делегациялар иштирокида бўлиб ўтган музокараларида ушбу жиҳатлар қайд этилди. Икки давлат ўртасида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Албания муносабатлари тарихида илк бор ўтказилаётган ушбу саммит алоҳида аҳамиятга эга эканини, икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишини таъкидлади.

Сиёсий мулоқот ва турли даражадаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Товар айирбошлашни кенгайтириш, агросаноат мажмуи, "яшил" энергетика, геология, ахборот технологиялари ва рақамлаштириш, туризм ҳамда бошқа муҳим соҳаларда кенг кўламли кооперация дастурини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон маҳсулотларини Жанубий Европа ва Ўрта ер денгизи бозорларига чиқаришда логистика хаби сифатида Албаниянинг Дуррес портидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилади.

Иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳамкорликнинг иқтисодий кун тартибини илгари суриш мақсадида ҳукуматлараро комиссия ташкил этиш ва унинг биринчи йиғилишини жорий йилда Тошкент шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Маданий-гуманитар соҳада ўзаро маданият кунлари, кино намойишлари, кўргазма ва ижодий сафарларни ташкил этиш муҳимлиги айтилди.

Етакчилар минтақавий ва халқаро кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Байрам Бегай Фахрий меҳмонлар хиёбонида биргаликда дарахт экди.

Ушбу маросим икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашув мустаҳкамланиб бораётгани, Ўзбекистон — Албания кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришда янги босқич бошланганининг ўзига хос рамзи бўлди.

Олий мартабали меҳмон рафиқаси ҳамроҳлигида шу куни "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Қадимий шаҳар Самарқанд ҳар доим ҳамманинг эътиборида бўлиб келган. Шарқнинг гўзал ва гавҳар шаҳри эшиклари меҳмонлар учун ҳамиша очиқ. Қадимийлик ва замонавийлик уйғунлашган Самарқандда кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар, аждодларимиз меросини асраш борасида қилинаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Хорижликларни жалб қилаётган жиҳатлардан бири ҳам айнан шу.

Албания Президенти Байрам Бегай пойтахтдаги олий даражадаги музокаралардан сўнг Самарқандда ҳам бўлди. Албания етакчиси дастлаб Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди.

Президентимиз ташаббуси билан буюк муҳаддис бобомизнинг Ислом оламида тутган нуфузига мос тарзда янгидан бунёд этилган мажмуанинг улуғворлиги ва бу ердаги тарбиявий-маънавий муҳит олий мартабали меҳмонда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Имом Бухорий ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи инновацион музейни Албания етакчиси ҳайрат билан томоша қилди.

Албания Президенти Амир Темур мақбараси, Регистон мажмуаси, Мирзо Улуғбек музей-расадхонасида ҳам бўлди. Самарқанд халқаро туризм марказидаги "Боқий шаҳар" тарихий-этнографик мажмуасида миллий ҳунармандлик маҳсулотлари ва халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди.

Албания Республикаси Президенти Байрам Бегайнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

# ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Бошланиши 1-бетда

Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Касималиев учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Икки мамлакат етакчилари ўртасида савдо-иқтисодиёт, транспорт, сув-энергетика соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш, шунингдек, маданий-гуманитар дастурлар ва ҳудудлараро алмашинувларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзаро ҳамкорлик ва бўлажак олий даражадаги тадбирлар кун тартибини бойитиш мақсадида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишлари давомида ҳамда бошқа шериклик механизмлари доирасида янги лойиҳа ва ташаббусларни ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама шерикликнинг барча йўналишларидаги юқори суръат мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ўсиб бормоқда, энергетика, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги кооперация лойиҳалари фаол босқичда.

Янги ташаббусларни, жумладан, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувлар доирасида ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов билан учрашувда Озарбайжоннинг "PASHA Holding", "Neqsol Holding", "AzerGold" компаниялари ҳамда Озарбайжон Халқаро банки раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Суҳбат аввалида Али Асадов давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Мамлакатимиз етакчиси, ўз навбатида, Озарбайжон халқини куни кеча бўлиб ўтган байрам — Миллий нажот куни муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча даражалардаги фаол алоқалар мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 40 фоизга ошди. Қурилиш, энергетика, тоғ-кон саноати, геология, логистика, туризм ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат ҳукуматлари бўлажак олий даражадаги саммитнинг иқтисодий кун тартибини пухта тайёрлаши муҳимлиги таъкидланди.

Бунда Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва Ҳудудлар форуми натижадор ўтишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Беларусь Республикаси Бош вазири Александр Турчин учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари бўлажак олий даражадаги тадбирларга тайёргарлик нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Жорий йил май ойида Тошкент вилоятида бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилишининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажми жорий йил бошидан буён 32 фоизга ортиб, барқарор ўсиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, маданий-гуманитар ва ҳудудлараро алоқаларни фаоллаштириш бўйича мувофиқлаштирилган чоралар кўриш муҳим экани таъкидланди.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг асосий таянч нуқталаридан бири экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз етакчиси икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор долзарб йўналишларни белгилаб берди.

Муҳим минералларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш, энергетика, металлургия, молия, сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва бошқа кўплаб соҳаларда аниқ лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АҚШнинг йирик компаниялари раҳбарлари инвесторларнинг самарали фаолият юритишига яратилган қулай шароитлар учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, ўзларининг аниқ таклиф ва режаларини баён этдилар.

Давра суҳбати якунида АҚШнинг етакчи компаниялари билан икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Air Products" компанияси бош ижрочи директори Эдуардо Менезесни қабул қилди.

Мамлакатимизда юқори технологияли саноат корхоналарини барпо этишга фаол инвестиция киритаётган АҚШнинг мазкур компанияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

"Air Products" саноат газларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича жаҳоннинг етакчи компанияларидан бири бўлиб, унинг бозор капиталлашуви 60 миллиард доллардан ошган. Компания ҳар йили 50 дан ортиқ мамлакатда 200 миллион тонна саноат газларини ишлаб чиқариб, 750 га яқин ишлаб чиқариш объектларини ўз ичига олган тармоқни бошқаради.

Айни пайтда компаниянинг юртимизга йўналтирган инвестицияларининг умумий ҳажми 1 миллиард доллардан ошган. "GTL Uzbekistan" заводида саноат газларини қайта ишлаш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида водород ишлаб чиқариш ҳамда "Навоийазот" акциядорлик жамиятида суюқ углерод диоксиди ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар ҳамда Тошкент ва Қарши шаҳарларида таълим дастурлари амалга оширилган.

Учрашув якунида компания иштирокидаги янги лойиҳаларни амалга оширишни "йўл харитаси" асосида жадаллаштириш юзасидан келишиб олинди.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ: ЎЗАРО МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар Ўзбекистон — Германия муносабатларини фаоллаштиришда муҳим ўрин тутди. 2019 йил январь ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Германияга расмий ташриф буюрди. Ташриф давомида Берлинда Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер, Федерал Канцлер Ангела Меркель ва Бундестаг раҳбарияти билан учрашувлар бўлиб ўтди. Музокаралар якунида инвестиция, молия, фан, таълим ва маданият соҳаларида салмоқли битимлар тўплами имзоланди.

Орадан тўрт ой ўтиб, яъни 2019 йил 27-29 май кунлари Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга жавоб ташрифи бўлиб ўтди ва бу икки томонлама мулоқот ривожида муҳим босқич бўлди. Олий даражадаги музокараларда сиёсий, савдо-иқтисодий, таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 2-3 май кунлари Германияга расмий ташрифи ўзаро ҳамкорликка янги суръат бағишлади. Ташриф якунида икки мамлакат ўртасидаги шерикликни янада чуқурлаштиришга қаратилган ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон раҳбарининг ўша йил сентябрь ойида "Марказий Осиё — Германия" форматидаги биринчи саммитда иштирок этиш учун Германияга ташрифи жадал сиёсий мулоқотнинг давоми бўлди. Ташриф доирасида Германия Федерал Президенти ва Федерал Канцлери билан музокаралар ўтказилди, шунингдек, Германия иқтисодиётининг Шарқий қўмитаси томонидан ташкил этилган бизнес-форумда қатнашилди.

Германия Федерал Канцлерининг 2024 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама мулоқотни ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Олий даражадаги саммит чоғида томонлар икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалаларни муҳокама қилди, шунингдек, ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олди.

2019 йил январь ойида тегишли парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланиши Ўзбекистон ва ГФР ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни институционаллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Германия Бундестагида Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича парламент гуруҳи, Ўзбекистон Олий Мажлисида эса Германия парламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик барқарор ривожланиши билан ажралиб туради ва шаклланган институционал ҳамкорлик механизмларига таянади. 2015 йил февраль ойида ташкил этилган Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши мувофиқлаштиришнинг асосий воситаларидан биридир. Кенгаш фаолияти ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш, қўшма ташаббусларни илгари суриш ва икки мамлакат бизнес вакиллари ўртасида тўғридан тўғри ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Савдо ва инвестициялар бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳ иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг қўшимча механизми бўлиб, унинг доирасида истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинади ва ҳамкорликнинг устувор йўналишлари келишиб олинади.

Икки томонлама савдода энг кўп қулайлик яратиш шакли амал қилмоқда, бу эса ўзаро товар айирбошлашни ошириш учун қўшимча шароитлар яратади. Сўнгги йиллардаги савдо динамикаси асосан ўсиш суръатини намоён этмоқда. Агар 2021 йилда товар айирбошлаш ҳажми 765,7 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб 1,427 миллиард долларга етди. 2026 йилнинг январь-апрель ойларида эса ўзаро савдо ҳажми 411,6 миллион доллар бўлди.

**Айни пайтда Ўзбекистонда Германия сармояси иштирокидаги 225 корхона, жумладан, 100 фоиз чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар фаолият юритмоқда, шунингдек, Германия компаниялари ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.**




Икки томонлама товар айирбошлаш таркиби икки мамлакат иқтисодиётининг бир-бирини тўлдирувчи хусусиятини акс эттиради. Ўзбекистон экспортининг асосини хизматлар, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этса, Германиядан импорт, асосан, ускуналар, механик маҳсулотлар, транспорт воситалари, бутловчи қисмлар, фармацевтика ва кимё маҳсулотлари ҳисобланади.

Инвестициявий ҳамкорликнинг амалий қамрови Германия капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятида ўз аксини топмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Германия сармояси иштирокидаги 225 корхона, жумладан, 100 фоиз чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар фаолият юритмоқда, шунингдек, Германия компаниялари ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро аралаш комиссия маданий-гуманитар ҳамкорликни мувофиқлаштиришнинг муҳим механизми бўлиб, унинг фаолияти гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш ва қўшма ташаббусларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорлик энг фаол йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда Германиянинг етакчи таълим ва жамоат институтлари тил ўргатиш, академик алмашинув ва таълим инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳаси гуманитар ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши. Бугунги кунга қадар тиббиёт инфратузилмасини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва тиббиёт соҳасида замонавий таълим дастурларини жорий этиш билан боғлиқ қатор қўшма лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

Ўзбекистондаги немис диаспорасининг фаолияти, гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш учун қўшимча асос бўладиган ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришнинг муҳим ижтимоий омили бўлиб қолмоқда.

**Икки томонлама ҳамкорлик йилларида Ўзбекистон ва Германия ўртасида турли даражадаги 169 та битим, жумладан, давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Шаклланган норматив-ҳуқуқий архитектура ҳамкорликнинг кенг кўламли йўналишларини қамраб олади ва икки давлат ўртасидаги муносабатлар юқори даражада институционаллашганини акс эттиради.**

Ҳамкорлик йилларида Ўзбекистон ва Германия мунтазам сиёсий мулоқотлар, ривожланган институционал механизмлар ва кенгайиб бораётган шартномавий-ҳуқуқий базага асосланган давлатлараро ҳамкорликнинг барқарор тизимини шакллантиришга муваффақ бўлди. Ўзаро ташрифлар фаоллашуви, товар айирбошлаш ҳажми ўсиши, инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ва гуманитар ташаббуслар ривожланиши ҳамкорликнинг янада кенг қамровли ва амалиётга йўналтирилган моделга ўтаётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда Германия бизнеси иштирокини кенгайтириш, саноат кооперациясини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларида лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга кечадиган муносабатларнинг иқтисодий жиҳати алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, таълим, фан, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш икки давлатни янада яқинлаштириш учун узоқ муддатли асос яратишга хизмат қилади.

Замонавий халқаро кун тартиби шароитида Ўзбекистон ва Германия прагматик ёндашув ва ўзаро ҳурматга асосланган ҳамда манфаатли шерикликни янада чуқурлаштиришга интилишларини намойиш этмоқда. Экспертлар фикрича, икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг умумий Европа йўналиши билан ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда қўшма ташаббусларни амалга ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

**Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 2-3 май кунлари Германияга расмий ташрифи ўзаро ҳамкорликка янги суръат бағишлади. Ташриф якунида икки мамлакат ўртасидаги шерикликни янада чуқурлаштиришга қаратилган ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон раҳбарининг ўша йил сентябрь ойида "Марказий Осиё — Германия" форматидаги биринчи саммитда иштирок этиш учун Германияга ташрифи жадал сиёсий мулоқотнинг давоми бўлди.**

**"Дунё" АА**



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК ТАФАККУРИ

## ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ КАТТА КУЧ



**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси**

**Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлаяпмиз. Бу шунчаки шонли сана эмас, балки ҳар бир ўзбекистонликнинг эрк ва хоҳиши, жамиятни юксалтириш, миллий истиқлолни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосидир. Айниқса, кейинги йилларда қўлга киритилаётган тарихий натижалар, янги Ўзбекистон ғояси асосида бошлаган улкан ислоҳотларимиз туфайли барча соҳа ва тармоқлар, шаҳару қишлоқлар, ҳар бир юртдошимиз ҳаёти, ўй-тафаккурида юз бераётган янгиланишлар кафолатидир. Мамлакатимизда “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу тамойилга асосланган янги Ўзбекистон ғояси амалда қудратли ҳаракатга айланди. Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамай, иқтисодиётимиз 6 фоиздан юқори суръатда барқарор ўсаётгани халқимиз ўзи танлаган йўлдан дадил бораётганини кўрсатмоқда.**





Гап иқтисодий барқарорлик ҳақида борар экан, ўтган йилги натижаларга тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, назаримда. 2025 йил янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйган йил сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу даврга келиб, **“биз ислоҳотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик. Бунинг тасдиғини тобора янгича қиёфа касб этиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизда, замонавий корхоналар, савдо-сервис масканлари, мактаб, боғча ва шифохоналар, обод кўча ва маҳаллалар, транспорт-логистика тизими, рақамли хизматлар мисолида яққол кўриш мумкин”.**

Хусусан, тарихда биринчи марта Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард доллардан, олтин-валюта захиралари 60 миллиард доллардан ошди. Экспорт ҳажми 23 фоиз ошиб, 33,4 миллиард, иқтисодиётимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми эса 43,1 миллиард долларга етди.

Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, олдинга бошловчи катта кучга айлангани, айниқса, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш борасида самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундай ҳаракатлардан асосий мақсад иқтисодий барқарорликка эришиш, халқимиз фаровонлигини оширишдир. Бунда асосий вазифа — камбағалликни қисқартириш ва ишсизлик даражасини пасайтириш. Бу эса, ўз навбатида, халқимизнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши, тадбиркорликни янада ривожлантиришни назарда тутади.

Давлатимиз раҳбари раислигида ҳудуд ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чорак якунлари таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазифалар юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотлар самара бераётгани алоҳида қайд этилди.

Хусусан, биринчи чорак якуни билан ялпи ички маҳсулотимиз 8,7 фоиз, саноат 8 фоиз, хизматлар 16,1 фоиз, қишлоқ хўжалиги 5,1 фоиз ўсди. Экспорт 5,8 миллиард, хорижий инвестиция ҳажми эса 13,7 миллиард долларни ташкил қилди. Инфляция йиллик ҳисобда биринчи марта 7,1 фоизгача пасайди.

Булар ҳисобига январь-март ойларида бюджет даромади ўтган йилдагига нисбатан 35 фоиз кўпайиб, 103 триллион сўмга етди. Маҳаллий бюджетларда қўшимча 2,2 триллион сўм маблағ шаклланди.

Айни йўналишдаги ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон нуфузли “Иқтисодий эркинлик индекси”да 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олди.

Иқтисодий сектор, умуман, барча соҳа ва тармоқларда эришилаётган шу каби натижалар, ижобий кўрсаткичлар ҳисобига “Ўзбекистон — 2030” стратегияси янгиланди ва навбатдаги залворли марралар белгиланди.

Янгиланган кўрсаткичлар ижросини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш ва ишсизлик даражасини пасайтириш, солиқ муносабатлари шаффофлигини таъминлаш, рақамлаштиришни кенг жорий этиш орқали коррупцияга сабаб бўлаётган ҳолатларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш каби муҳим йўналишларни қамраган фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Рақамлаштириш туфайли текширувлар камаяди. Текшириш камайса, тадбиркорнинг вақти тежалади ва фаолияти узлуксиз давом этади. Президентимизнинг 2026 йил 17 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ва назорат тадбирларининг шаффофлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тадбиркорларга янги имконият ва қулайликлар яратилди.

Жумладан, ҳужжатдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг нафақат сони ва муддатини қисқартириш, балки назорат жараёнларини рақамлаштириш орқали коррупцион хавфларни камайтириш, тадбиркорлар ва давлат органлари ўртасидаги мулоқотда шаффофликни таъминлаш масалалари алоҳида ўрин олди.

Фармон билан шу йил 1 июлдан бошлаб амалдаги функцияларига қўшимча равишда янги имкониятларга эга бўлган “Ягона давлат назорати” ахборот тизими ва унинг мобил иловаси ишга туширилиши белгиланди. Натижада тадбиркорлик субъектлари маҳаллий



ҳокимлик ва назорат органлари, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳақида маълумот олиш ва уларга мурожаат қилиш тизими яратилади. Шу тариқа ортиқча оворагарчиликнинг олди олинади ҳамда текширишларнинг қонунийлиги ва текширувчининг ваколати тўғрисидаги маълумотлар реал вақт режимида ошкор қилинади.

Тадбиркор ва давлат органи ўртасидаги мулоқотнинг шаффофлигини таъминлаш масаласида алоҳида тартиб ва талаблар белгиланиши билан ноқонуний хатти-ҳаракатлар барҳам топади. Шу маънода, давлат хизматчиси давлат органи номидан ёки ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъекти фаолият юритадиган бинога назорат ёки профилактика тадбирини ўтказиш мақсадисиз кириши ёхуд тадбиркорлик субъектини бошқа жойга чақириши назорат тадбири ҳисобланмайдиган мулоқот сифатида баҳоланиши ҳамда “Ягона давлат назорати” ахборот тизимига мулоқот ҳақидаги маълумотларни киритиш давлат хизматчилари учун мажбурий ҳисобланиши муҳим янгилик бўлди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “Ягона давлат назорати” ахборот тизимига киритиладиган маълумотлар доимий мониторинг қилиб борилади ва ваколати доирасида тегишли чоралар кўрилади.

“Ягона давлат назорати” ахборот тизимидан рўйхатдан ўтмаган ёки текширув ўтказишга асос бўлувчи ҳужжатларни тизимга киритмаган ёхуд махсус гувоҳномага эга бўлмаган назорат қилувчи органнинг ходими томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувлар ноқонуний ҳисобланиши тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси янада кучайтирилганидан далолат. Чунки давлат органи мансабдор шахслари ва масъул ходимлари тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортилади.

Кичик бизнесни ривожлантириш, шубҳасиз, миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш ва рақобатбардошликни оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Дунё иқтисодиётидаги беқарор муносабатлар, айниқса, савдо-иқтисодий алоқалардаги мураккабликлар ҳамда транспорт-логистика тизимидаги узилишлар, албатта, ҳар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиётига таъсир кўрсатади.

Президентимизнинг бу масалага алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Чунки иқтисодий муносабатлардаги ҳар қандай кечикиш вақт ва маблағ йўқотиш, рақобатда ютқазишни англатади. Одатда, кечикишга рақамли молиявий инфратузилманинг етарли даражада ривожланмагани, тадбиркорларда ресурслар етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар сабаб бўлади. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 26 майдаги “Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга доир навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада катта аҳамиятга эга.

Бинобарин, қарорда тадбиркорлик субъектларига ишончли рақамли молиявий инфратузилма яратиш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий хизматлар кўрсатишни жорий этиш орқали уларнинг оммабоплигини янада ошириш назарда тутилган.

Жумладан, 2030 йилга қадар кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар портфелини 3 баравар ошириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 20 фоизга чиқариш, банклар томонидан таъминотсиз онлайн микрокредитларни ўртача 1 соат ичида ажратиш имконини яратиш ва ушбу микрокредитлар улушини 60 фоизга етказиш, шунингдек, кредит тарихига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш белгиланган.

Кичик бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2026 йил 1 июлдан бошлаб “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида қўшимча равишда, микрокредитдан фойдаланган ва ижобий кредит тарихига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига микрокредитнинг гаровсиз қисми 100 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача оширилди.

Бундан ташқари, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамиятига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит (лизинг) миқдоридан қатъи назар, унинг 5 миллиард сўмгача қисми учун белгиланган тартибда фоиз харажатларини қоплаш мақсадида компенсация ва ҳар йили дастур асосида қўллаб-қувватланган, ўз фаолиятини кенгайтирган ҳамда юқори кўрсаткичга эга 100 та тадбиркорлик субъектига фаолиятини рақамлаштириш, халқаро стандартларни ва “яшил” технологияларни жорий этиш билан боғлиқ харажатлари учун 300 миллион сўмгача грант ажратиш ваколати берилди.

> **Кичик бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2026 йил 1 июлдан бошлаб “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида қўшимча равишда, микрокредитдан фойдаланган ва ижобий кредит тарихига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига микрокредитнинг гаровсиз қисми 100 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача оширилди.**




Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар миллий иқтисодиётимиз барқарор ўсишини таъминлаш, дунё бозорида мамлакатимиз ўрнини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, экспорт салоҳияти ва энг асосийси, бандлик даражасини ошириш ҳамда камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади.

Солиқ сиёсати ва уни юритиш мураккаб жараён. Солиқ юки қанча юқори бўлса, солиқ тўлашдан қочиш ҳолатлари шунча кўп бўлади ёки солиқ ставкалари қанчалик пасайтирилса, бюджет даромади қисқариб, ижтимоий тадбирларни амалга ошириш имконияти чекланиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз солиқ ставкалари кўпайтирилмаган ёки ўзгартирилмаган ҳолда солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини яхшилаш орқали давлат бюджети даромадлари манбаларини мустаҳкамлаш вазифасини белгилаб берган эди.

Бунда, айниқса, қулай солиққа тортиш тизимини яратиш орқали кичик тадбиркорлик субъектларининг йирик тадбиркорликка ўтишини рағбатлантириш катта аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 26 майдаги кичик бизнес субъектлари учун солиқ режимида янада қулайликлар яратиш, қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш орқали айланмани очиқлаш ва бизнеснинг ўсишини рағбатлантириш мақсадларини назарда тутувчи “Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармони бугуннинг талабидир.

Фармон билан шу йил 1 июндан бошлаб кичик бизнес субъектларига солиқ солишнинг умумбелгиланган тартибига ўтиш учун чегаравий миқдор амалдаги 1 миллиард сўмдан базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 минг баравари этиб белгиланганини, энг аввало, тадбиркорлар фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда бизнесни сунъий майдалаш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Шу ўринда қўшилган қиймат солиғи занжиридаги узилишларнинг олдини олиш мақсадида муҳим нормалар белгиланганини алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан, 2026 йил 1 июндан 2030 йил 1 январга қадар асосий фаолият тури умумий овқатланиш, савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўлган тадбиркорлик субъектларига ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқи берилади.

Соддалаштирилган тартибга ўтган тадбиркорлар учун қўшилган қиймат солиғи ставкаси товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш бўйича барча айланмага нисбатан 6 фоиз бўлади. Бунда уларга сотиб олинган товарлар бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқи берилмайди. Ушбу тоифадаги солиқ тўловчилар учун фойда солиғи ставкаси ноль фоиз этиб белгиланди ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш мажбурияти бекор қилинди.

Шунингдек, солиқ солишнинг умумбелгиланган тартибида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича мавжуд имтиёзлар, преференция ва тўланган солиқларнинг бир қисмини қайтариб бериш тартиби қўлланмайди. Улардан товарлар ва хизматларни сотиб олган харидорларга қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқи берилади.

Бундай тартиб давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхоналар ҳамда йирик солиқ тўловчиларга татбиқ этилмайди.

Умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлар учун шу йил 1 июндан бошлаб айрим тоифадаги ходимларни меҳнат органларининг мобил иловаси орқали соддалаштирилган тарзда шу куннинг ўзида ва муайян муддатга расмийлаштириш ҳамда иш ҳақини тўлаш тартиби жорий этилгани, тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш, тушумнинг нақд пулсиз шаклда тушган улушидан қатъи назар, тўланган солиқ суммасининг 40 фоизи миқдорида амалга оширилиши белгилангани ушбу йўналишдаги тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва иш ўринларини легаллаштиришга хизмат қилади.

Солиқ тўловчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси гувоҳномасини вақтинча тўхтатиб туриш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб кирувчи (импорт қилувчи) юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни мажбурий тартибда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси деб эътироф этиш тартиби бекор қилинди.

Кичик бизнес субъектларига маъмурий юкни камайтириш мақсадида 2028 йил 1 январга қадар солиқ хавфи суммаси 500 миллион сўмгача бўлганда — солиқ аудити, солиқ хавфи суммаси 100 миллион сўмгача бўлганда — сайёр солиқ текшируви ўтказилмайди.

Соҳада рақамлаштириш ва сунъий интеллектдан фойдаланиш қамрови кенгайиши солиқ маъмуриятчилиги шаффофлигини таъминлашда қўл келади. Бошқа томондан, инсон омилини қисқартириш орқали коррупцияга олиб келувчи ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Президентимизнинг шу йил 19 майдаги “Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони солиқ тизимини замонавийлаштириш, рақамлаштириш ва солиқ тўловчилар учун қулай муҳит яратишга қаратилган.

Фармонда солиқ тўловчиларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатиш, сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш асосий йўналишлар сифатида белгиланган. Тадбиркорлар учун енгилликлар яратиш мақсадида йўл қўйган хатосини мустақил тўғрилаш имконияти яратилди. 2026 йил 1 июлдан бошлаб ортиқча ҳужжат талаб қилиш — текширувдан олдинги таҳлилда аниқланган тафовутлар бўйича солиқ тўловчидан мажбурий равишда аниқлаштирилган ҳисобот ёки асословчи ҳужжатлар талаб қилиш амалиёти бекор қилинади. Шунингдек, огоҳлантириш тизими жорий этилади: солиқ хавфи ўрта даражада бўлган корхоналарга текширув ўтказишдан аввал аниқланган хавфлар ҳақида электрон хабарнома юборилади. Бу тадбиркорга хатосини ўз вақтида тузатиш имконини беради.

2027 йил 1 январдан бошлаб якуний истеъмолчиларга реализация қилинадиган нефть ва газ маҳсулотлари бўйича акциз солиғи ва норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, қишлоқ хўжалиги ерлари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботлари солиқ идоралари томонидан проактив тартибда шакллантирилади.

Фармонда белгиланган вазифалар солиқ тўловчилар учун шароитни яхшилашга хизмат қилади. Натижада ҳалол солиқ тўловчилар сафи кенгаяди. Текширувлар хавф таҳлили асосида ўтказилади. Рақамлаштириш ҳисобига инсон омили иштироки камаяди. Пировардида солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси ортади ва яширин иқтисодиёт ҳажми қисқаради.

Шу билан бирга, сохта корхоналар занжири, сунъий қўшилган қиймат солиғини камайтириш, нақд пул айланмаларини яшириш ва трансферт нархларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатларининг олди олинади.

Қисқаси, “Ҳалол ишлайдиган тадбиркорга енгиллик, хавфли ва қоидабузар субъектга кучли назорат” тамойили амал қилади. Ислоҳотлар миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш ва кучли ижтимоий ҳимояни амалга оширишга хизмат қилади. Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳар биримиздан ишимизга масъулият ва садоқат билан ёндашишни талаб этади.



Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашда Ўзбекистон учун энг муҳим масала ер, сув, яйлов ва иқлим омилларини алоҳида эмас, ягона тизим сифатида бошқаришдир.

## 17 июнь – Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни



# “ЯШИЛ” ИМКОНИЯТЛАР ҲУДУДИГА АЙЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

**Жаҳонгир ИСАЕВ,**
**Барқарор ривожланиш маркази бўлим бошлиғи**



**Марказий Осиё шароитида ер деградацияси, чўлланиш ва қурғоқчилик фақат экологик муаммо эмас. Бу жараён сув тақчиллиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли даромади ва ҳудудий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, Ўзбекистонда ер, сув, яйлов ва иқлим масалаларини ягона, барқарор ривожланиш занжири сифатида бошқариш, Оролбўйи тажрибаси, “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати, сув тежовчи технологиялар ва халқаро ҳамкорликни ўзаро боғлаган ҳолда амалий натижага йўналтириш бугуннинг муҳим вазифасидир.**

Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни ана шу масалаларни яна бир бор кун тартибига олиб чиқиб, ер деградацияси, қурғоқчилик, тупроқ унумдорлиги, яйловлар ҳолати ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича амалий қарорларни кучайтиришга хизмат қилади.

2026 йилда ушбу сана “Яйловлар: тан олиш, ҳурмат қилиш ва тиклаш” ғояси билан боғланмоқда. Бу Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Чунки яйловлар фақат чорва боқиладиган майдон эмас, балки қишлоқ аҳолиси даромади, озиқ-овқат таъминоти, табиий экотизимлар ва чўл-ярим чўл ҳудудидаги ҳаёт барқарорлиги асосидир. Халқаро миқёсда ҳам яйловлар қуруқликнинг ярмидан кўпроғини қамраб олиши ва қарийб 2 миллиард инсоннинг турмуши, чорвачилик ва озиқ-овқат тизимлари билан боғлиқлиги бу масаланинг глобал аҳамиятини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити бу масалага алоҳида масъулият билан ёндашишни талаб этади. Мамлакат ҳудудининг катта қисми қурғоқчил ва ярим қурғоқчил минтақаларга тўғри келади. Расмий маълумотларга кўра, яйловлар 20 миллион гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Шу билан бирга, сув ресурслари чеклангани, иқлим ўзгариши, тупроқ шўрланиши, яйловлардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш, шамол ва сув эрозияси, айрим ҳудудларда ўсимлик қопламининг камайиши ер деградацияси хавфини кучайтирмоқда.

Сўнгги йилларда экологик хавфсизлик, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Оролбўйини тиклаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва иқлим ўзгаришига мослашув масалалари давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Давлатимиз раҳбари халқаро ва минтақавий минбарларда иқлим ўзгариши, сув тақчиллиги, ер деградацияси ва Оролбўйи муаммосини Марказий Осиё барқарорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар сифатида изчил кўтариб келмоқда. Жумладан, Глобал экологик жамғарманинг VIII ассамблеяси иштирокчиларига йўлланган мурожаатда экологик муаммоларни фақат хавф сифатида эмас, балки янги технологиялар, халқаро ҳамкорлик, “яшил” иш ўринлари ва маҳаллий ривожланиш имконияти сифатида кўриш зарурлиги таъкидланган.

### Секин кечадиган, аммо оғир оқибатли хавф

Ер деградацияси кўпинча дарҳол кўзга ташланмайди. Тупроқнинг унумдор қатлами йиллар давомида камаяди, шўрланиш аста-секин кучаяди, ўсимлик қоплами қисқаради, яйлов сиғими пасаяди. Сув танқислиги ва қурғоқчилик эса бу жараённи янада тезлаштиради.

Бироқ унинг оқибати жуда кенг. Агар ер унумдорлиги пасайса, ҳосил камаяди. Ҳосил камайса, фермер даромади қисқаради. Даромад қисқарса, қишлоқ жойларда бандлик ва ижтимоий барқарорликка босим ортади. Яйловлар деградацияга учраса, чорва маҳсулдорлиги пасаяди, озуқа базаси заифлашади, гўшт ва сут маҳсулотлари таннархи ошади. Шўрланиш ва қурғоқчилик кучайса, сувдан фойдаланиш самарадорлиги пасаяди, қишлоқ хўжалиги харажати кўпаяди.

Шу сабабли ер деградациясини фақат табиат муҳофазаси муаммоси сифатида кўриш етарли эмас. Бу иқтисодий самарадорлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, маҳаллий даромад, аҳоли саломатлиги ва ҳудудий тенглик масаласидир. Бошқача айтганда, ернинг емирилиши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига бевосита таъсир қилади.

Ўзбекистонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, ирригация тизимларини модернизация қилиш, Оролбўйида экологик тиклаш чораларини кўриш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кенгайтириш каби ташаббуслар айнан шу хавфларга тизимли жавоб сифатида амалга оширилмоқда. Президентимиз илгари сурган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ер деградацияси, чанг-тўзон, иқлим ўзгариши ва шаҳар-қишлоқ ҳудудларида экологик мувозанатни сақлашга қаратилган кенг жамоатчилик ҳаракатига айланмоқда. Ушбу ташаббус доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута экилмоқда.

Яйловлар Ўзбекистонда чорвачилик, қишлоқ аҳолиси даромади ва озиқ-овқат таъминотида муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, улар чўл ва ярим чўл ҳудудларида тупроқни шамол эрозиясидан ҳимоя қилади, ўсимлик қопламини сақлайди, биохилма-хилликни таъминлайди ва маҳаллий иқлим мувозанатига хизмат қилади.

Аммо айрим ҳудудларда яйловлардан фойдаланишда тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Чорва сони ва яйлов сиғими ўртасидаги номутаносиблик, сув нуқталарининг етарли эмаслиги, чорва молларини мавсумий ҳаракатлантириш ва навбатлаб боқиш амалиётининг сустлиги, деградацияга учраган майдонларда маҳаллий ўсимликларни тиклаш ишларининг етарли даражада тизимлашмагани яйловлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яйлов деградацияси фақат ўт-ўлан камайиши дегани эмас. Бу чорва маҳсулдорлиги пасайиши, қишлоқ аҳолиси даромадининг қисқариши, озуқа харажатининг ортиши, чанг-тўзоннинг кўпайиши ва ернинг табиий тикланиш қобилияти сусайиши деганидир.

Шу боис, яйловларга муносабатни тубдан ўзгартириш зарур. Яйлов чексиз ва бепул ресурс эмас, балки ҳисоб-китоб, мониторинг, тиклаш, масъулиятли фойдаланиш ва иқтисодий рағбатлантириш механизмларини талаб қиладиган табиий капиталдир. Экологик масалаларни иқтисодий ривожланиш, аҳоли бандлиги ва инновациялар билан боғлаш яйловлар соҳаси учун ҳам катта аҳамиятга эга.

### Миллий тажриба майдони

Мамлакатимизда чўлланиш ва ер деградацияси масаласини Оролбўйи муаммосидан ажратиб бўлмайди. Орол денгизи қуриши натижасида пайдо бўлган ҳудуд туз ва чанг бўрони, тупроқ ва сув сифатининг ёмонлашиши, аҳоли саломатлигига таъсир, биохилма-хиллик камайиши ва маҳаллий иқтисодиётга босим каби муаммоларни юзага келтирди.

Шу билан бирга, Оролбўйи бугун чўлланишга қарши курашнинг ўзига хос миллий тажриба майдонига айланмоқда. Қуриб қолган денгиз тубида саксовул ва бошқа шўрга чидамли чўл ўсимликларини экиш, яшил қопламалар барпо этиш, маҳаллий флора ва фаунани тиклаш, янги кўчатхоналар ташкил қилиш ва экологик тадқиқотларни кучайтириш бу йўналишдаги муҳим ишлардир. Оролбўйида яшил қопламалар майдони 2 миллион гектардан ошгани ушбу жараённинг кўлами ва аҳамиятини яққол кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида ривожлантириш ғояси илгари сурилгани бу масалага янгича ёндашувни ифодалайди. Бу ёндашув Орол фожиасини фақат экологик муаммо сифатида эмас, балки янги иш ўринлари, илмий тадқиқотлар, “яшил” технологиялар, маҳаллий аҳоли даромади ва халқаро ҳамкорлик имкониятлари билан боғлиқ комплекс ривожланиш майдони сифатида кўришни талаб этади.

Оролбўйидаги ишларни фақат дарахт экиш кампанияси сифатида қабул қилиш тўғри бўлмайди. Бу ҳудудда кўрилаётган чоралар чанг-тўзон тарқалишини камайтириш, тупроқни мустаҳкамлаш, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, чўл экотизимларини тиклаш ва янги иқтисодий имкониятлар яратишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, Оролбўйи “муаммо ҳудуди”дан “яшил имкониятлар ҳудуди”га айланмоқда.

Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашда Ўзбекистон учун энг муҳим масала ер, сув, яйлов ва иқлим омилларини алоҳида эмас, ягона тизим сифатида бошқаришдир. Бунинг учун умумий чақириқлардан амалий механизмларга ўтиш, ҳар бир ҳудудда ер деградацияси хавфини аниқ баҳолаш ва тиклаш ишларини натижавий кўрсаткичлар билан боғлаш зарур.

Бугун мамлакатимиз етакчиси ташаббуси билан амалга оширилаётган экологик сиёсат муҳим бир ғояга таянади: табиатни асраш — инсонни, унинг саломатлиги, даромади ва келажагини асраш демакдир. Шу жиҳатдан ер, сув, яйлов ва иқлим масалаларини ягона барқарор ривожланиш занжири сифатида бошқариш механизмига ўтилмоқда.

17 июнь бизга оддий, аммо муҳим ҳақиқатни эслатади: ер фақат ишлаб чиқариш воситаси эмас. У сув, озиқ-овқат, саломатлик, даромад ва барқарор ҳаётнинг табиий асосидир. Ерни асраш — келажак авлодлар олдидаги экологик, иқтисодий ва маънавий масъулият.






## Муносабат

# ҚАТЪИЙ ИЧКИ ТАРТИБ, МУРОСАСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ҳаётида жуда катта акс садо берди. Сабаби, ушбу фармон бутун суд тизимида коррупцияга қарши курашишга муносабатни мутлақо ўзгартириб, қуруқ баландпарвоз гаплардан аниқ амалий натижаларга ўтилишининг ҳуқуқий механизмларини, тизимни тубдан соғломлаштиришга қаратилган янги концептуал ғоя ва йўналишларни белгилаб берди.**



**Холмўмин ЁДГОРОВ,**
**Судьялар олий кенгаши раиси**

Фармон суд тизимида коррупция ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилгани баробарида, моҳият эътиборига кўра, ниҳоятда кенг қамровли мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади. Хусусан, тизимда, биринчи навбатда, қатъий ички тартиб ва интизомни таъминлаш, ҳар қандай қонунбузарликларнинг олдини олиш, пировард натижада самарали одил судлов орқали энг муҳим демократик мезон — ҳуқуқ устуворлигига эришиш сингари стратегик мақсадни кўзлайди.

Ҳужжатнинг амалий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, сўнгги йиллардаги туб демократикислоҳотлар шароитида суд тизимининг ички тозаланиши ва янгиланиши учун ҳалол-пок, салоҳиятли судья кадрлар корпусини шакллантириш борасидаги энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Иккинчидан, суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг эскирган анъанавий усул ва воситаларидан (коррупциявий жиноят содир этилгандан кейин уни жазолаш) эмас, балки янгича ёндашувлар асосида таъсирчан, самарали профилактик ҳуқуқий механизмлар кўрсатиб ўтилди.

Учинчидан, миллий қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш амалиётида илк бор судьялар қаторида судлар аппаратлари ходимлари фаолиятини такомиллаштириш, улар касб масъулиятини янада чуқур ҳис этиши учун мансаб даражасига эга бўлган суд аппарати ходимлари учун ихтисослашган хизмат кийимини жорий қилиш белгиланди.

Тўртинчидан, ҳали судьялик лавозимига тайинланмасдан туриб, муносиб номзодларни касбий тайёрлаш жараёнида, уларнинг шахсий-профессионал ва коррупцияга қарши барқарорлик даражасини ҳар томонлама чуқур текшириш, таҳлил қилиш (диагностикадан ўтказиш) амалиёти жорий этиладиган бўлди.

Бешинчидан, коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни барвақт бартараф этиш мақсадида судьялар ва судлар аппаратлари ходимларининг фаолиятини тизимли равишда ҳалоллик стандарти асосида одилона ва ҳаққоний баҳолаб бориш назарда тутилди.

Олтинчидан, суд органлари фаолияти устидан натижа берадиган жамоатчилик назоратини кучайтириш, бунда бутун тизимни, ҳар бир жараённи трансформациялаш, рақамлаштириш орқали инсон омили камайтирилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Агар тизимда ҳалоллик ва адолат тамойили йўқолса, коррупцияга қарши курашиш бўйича кўриладиган ҳар қандай чора ўз-ўзидан самарасиз бўлади ва жамият учун улкан хавфга айланади.

Масаланинг долзарблиги шундаки, суд тизимидаги коррупция фақатгина иқтисодий жиноят эмас, балки бутун бир халқнинг қонунга, давлат ва келажакка ишончига путур етказадиган оғир иллатдир. Суд тизими тўғри ва ҳалол ишлаган тақдирдагина бутун жамиятда мувозанат ва қонун устуворлиги таъминланади.

Бугунги ўзгаришларнинг туб замирида қатъий мантиқийлик ва тизимлилик ётибди. Зеро, ушбу фармон давлатимиз раҳбарининг ўтган йил декабрь ойида коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилиши, бу борада лозим бўлган барча ишлар кўрилиши ҳақидаги нутқида илгари сурилган ғоя ва ташаббусларнинг узвий давомидир.

Ҳар қандай тизимни соғломлаштириш ва ундаги муаммоларни бартараф этишнинг биринчи ва муҳим шарти бу борада мавжуд камчиликларни хаспўшламасдан, аччиқ ҳақиқатни тан олиб, унга нисбатан муросасиз курашиш чора-тадбирларини белгилаш ҳисобланади. Минг афсуски, бугунги кунда суд тизимида коррупциявий ҳолатлар учраб тургани, айрим судьялар муқаддас қасамёдига хиёнат қилаётгани бор гап. Бу каби салбий ҳолатларга шунчаки оддий камчилик сифатида қараб, кўз юмиб кетиш кечириб бўлмайдиган хато бўлади.



Чунки бошқа идоралардаги коррупция алоҳида бир соҳага зарар етказса, суд органларидагиси бутун жамиятнинг адолатга ишончини сўндиради. Шу сабабли, аввало, судларда коррупциявий хавф-хатарларни эрта аниқлаш ва баҳолашнинг профессионал тизимини жорий этиш вазифаси қўйилмоқда.

Фармон билан суд тизимида коррупциянинг олдини олиш борасида Судьялар олий кенгаши олдига ҳам қатор муҳим вазифалар қўйилди. Хусусан, кенгашнинг Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси судлар ўртасидаги коррупциявий ҳолатларни олдиндан аниқлаш, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарадиган омилларни бартараф этишга масъул тузилма сифатида белгиланди.

Айни пайтда кенгаш аъзолари ва инспекция ходимлари томонидан ушбу вазифани ҳар томонлама самарали бажариш учун мутлақо янгича ёндашувлар асосида комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига 2026 йил якунига қадар суд тизимида коррупцияга қарши барқарорлик ва чидамлилик, иммунитет шаклланганлик даражасини тўлиқ диагностикадан ўтказиш вазифаси белгиланди. Бундай ўрганиш ва чуқур таҳлилдан ўтказишга зарурат ҳам бор эди. Гап шундаки, ушбу диагностик таҳлил ва прогнозлар орқали тизимдаги қайси бўғинлар коррупциявий хавф-хатарларга кўпроқ мойил экани, қайси ҳудуд ёки суд инстанцияларида заиф нуқталар мавжудлиги аниқ илмий методлар ва методология асосида ўрганиб чиқилади. Бу эса судьяларнинг амалиётдаги фаолиятида хавфли коррупциявий иллатнинг келтириб чиқарадиган ўта салбий оқибатлари билан курашиш эмас, балки унинг келиб чиқиш сабаб ва омилларини олдиндан бартараф этиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, Одил судлов академиясида судьялик лавозимларига номзодларни судьялик касбига ҳар томонлама муносиб тайёрлаш, бунда бўлажак судьяларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш назарда тутилмоқда. Бу келажакда ҳалол-пок фаолият юритиши учун уларни коррупцияга тортадиган ҳар қандай ташқи таъсирларга бардошли қилиб тайёрлаш жараёнига замонавий ёндашувлар, илғор демократик принциплар асосида тубдан ўзгартиришни талаб этади.

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш жараёнида қўшимча равишда номзоднинг касбий психологик портретини яратишда коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диагностикадан ўтказиш амалиёти жорий этилиши судьяликка номзод бўлган ҳар бир мутахассис нафақат қонунларни мукаммал билиши, балки унинг руҳий-маънавий дунёси, ноқонуний моддий манфаатдорликка тобе бўлмаслиги, нафсининг олдида ўзини тута билиши, ҳалоллик мезонларига содиқлиги бўйича ҳам жиддий синовдан ўтади.

Агар кўрсатилган номзоднинг шахсий-профессионал қиёфасида лоақал кичик бир маънавий заифлик ёки коррупцияга мойиллик аниқланса, у судьялик касбига муносиб кўрилмайди.

Бундан буён тизимда коррупцияга қарши курашиш масаласи муайян органнинг фақат ички тартиб-қоидалари билангина чекланмайди, балки илмий-методологик ва профессионал мезонлар асосида доимий назорат қилиб борилади.

Фармон ҳуқуқий моҳиятига кўра, коррупциядан холи бўлган суд тизими фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган стратегик ислоҳотларнинг ажралмас қисми сифатида судьяларни тайёрлаш ва уларни лавозимларга тайинлаш жараёнида шаффоф кадрлар сиёсатини юритиш, оқилона ва самарали платформаларни амалиётга жорий қилишнинг фундаментал асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳужжатнинг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга жиҳатларидан яна бири унинг судья одил судловни амалга ошираётганда ҳар қандай ташқи таъсирлар, босим ва аралашишларнинг олдини олиш орқали судьяларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга қаратилганидадир. Фармон билан тизим олдига қўйилган қатъий талаблар ва янги маънавий-тарбиявий мезонлар суд корпусини шакллантириш сиёсатини тубдан ўзгартиради.

Суд тизимида стратегик аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳуқуқий ҳужжатдан келиб чиқиб, Судьялар олий кенгаши фаолиятига оид янги ўзгаришларда фақатгина маъмурий назорат органи сифатида эмас, балки судьялар ва тизим ходимларининг маънавий-маърифий ва тарбиявий савиясини узлуксиз ошириб бориш масаласи бош мезон қилиб белгиланмоқда.

Коррупцияга қарши қуруқ ва баландпарвоз шиорлар билан курашиш даври ортда қолди. Бугунги янги жамият, шиддатли ислоҳотлар шароитида тизимдаги муаммоларни бартараф этиш учун фақатгина маънавий чақириқлар эмас, балки аниқ илмий-амалий ва ташкилий механизмлар ишга солиниши талаб этилмоқда.

Ўрни келганда, мамлакатимиз тараққиётининг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичида суд органларини янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар кўмакчисига айлантиришга қаратилган том маънодаги залворли ишлар қилинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, кейинги 3-4 йилда тизимда 400 та янги судьялик штат бирлиги вужудга келди. Суд тизими тарихида биринчи марта тергов судьяси институти жорий этилди. Судьяларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бундай амалий ишларни узоқ санаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, соҳа мутасаддилари олдига ўта муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган стратегик вазифалар қўйилдики, у навбатдаги топшириқ эмас, балки суд тизимини поклаш ва унинг коррупцияга қарши ички иммунитетини кучайтиришга қаратилган туб бурилиш нуқтасидир.

Ушбу фармон судьялар ва суд тизими ходимларининг ҳуқуқий тафаккурида коррупцияга нисбатан муросасизлик шунчаки бир ахлоқий талаб эмас, балки умуммиллий барқарорлик ва тараққиёт, тинчлик ва хотиржамлик, миллат, халқ, Ватан фаровонлиги асоси экани тўғрисидаги ниҳоятда муҳим тушунчаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Шубҳасиз, фармонда белгиланган кенг кўламдаги эзгу мақсад ва вазифалар янги Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларга мустаҳкам пойдевор бўлади.



**Давлатимиз раҳбарининг бу қарори умиди сўниш арафасида турган беморлар учун ҳаётбахш куч бўлди. Жиззахдаги мазкур операция эса қоғоздаги эзгу ғояларнинг амалда қандай қилиб инсон ҳаётини сақлаб қолишига жонли мисолдир.**

# “МЕН БУГУН ҚАЙТАДАН ТУҒИЛДИМ!”

## ёхуд жиззахлик беморнинг изтиробли йиллари ортда қолгани ҳақида

### Инсон қадри



**Баъзан бир инсон тақдирида рўй берган қувончли ўзгариш бутун жамият учун умид ва ишонч уйғотади. Баъзан эса мураккаб жарроҳлик амалиёти шунчаки тиббий жараён чегарасидан чиқиб, давлат сиёсатининг инсонпарварлик моҳиятини, халқпарвар ғоялар ва инсон қадрини улуғлаш тамойилларининг амалдаги энг ёрқин ифодасини кўрсатувчи тарихий воқеага айланади. Жиззах тиббиёт кластерида илк бор муваффақиятли амалга оширилган буйрак трансплантацияси ана шундай қутлуғ ва тарихий воқеалардан бири бўлди.**

Бу каби ютуқлар ўз-ўзидан ёки тасодифан пайдо бўлаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи чоғида Жиззах тиббиёт кластери фаолияти билан шахсан танишиб, бу ерда яратилган замонавий шароитлар, юқори технологик тиббий хизматлар имкониятларига алоҳида эътибор қаратгани ва маҳаллий шифокорларни қўллаб-қувватлагани соҳа ривожига мутлақо янги суръат ва катта ишонч бағишлади. Бугун ана шу юксак эътибор, тизимли ғамхўрлик ва қатъий ирода илк амалий, ҳаётий меваларини бермоқда.

Жиззах тиббиёт кластерида илк маротаба буйрак кўчириб ўтказиш мураккаб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли бажарилгани нафақат вилоят, балки мамлакат соғлиқни сақлаш тизими ҳаётидаги улкан қадам сифатида баҳоланмоқда. Зеро, трансплантология тиббиётнинг энг мураккаб, нозик ва юқори малака ҳамда замонавий инфратузилмани талаб қилувчи соҳаларидан биридир.

Мазкур мураккаб жарроҳлик амалиёти Миллий тиббиёт марказининг трансплантология бўйича етакчи мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори Жасур Собиров бошчилигидаги юқори малакали жамоа ҳамда Жиззах тиббиёт кластерининг маҳаллий шифокорлари билан ҳамкорликда, чинакам маҳорат мактаби сифатида амалга оширилди.



Ушбу хайрли иш давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 21 майдаги “Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида, “Вақф” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаштирилган ҳолда ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг бу қарори умиди сўниш арафасида турган беморлар учун ҳаётбахш куч бўлди. Жиззахдаги мазкур операция эса қоғоздаги эзгу ғояларнинг амалда қандай қилиб инсон ҳаётини сақлаб қолишига жонли мисолдир.

Тўққиз йил... Бу шунчаки оддий рақам эмас. Бу сурункали буйрак етишмовчилиги касаллиги билан оғриган, ҳафтасига бир неча бор гемодиализ аппаратига боғланиб, яшаш учун тиш-тирноғи билан курашган Сарвар Абдиевнинг изтиробли йилларидир. 1985 йилда туғилган бемор узоқ йиллар давомида оғир дард юкини елкасида кўтариб, ҳаётнинг ҳар бир кунини умид ва хавотир, оғриқ ва изтироб билан қарши олган. Унинг учун трансплантация амалиёти ягона ва охирги нажот эди.

Тиббий текширувлар натижасида унга донор сифатида 1978 йилда туғилган амакиваччаси Юнус Абдиевнинг организми тўлиқ мос келиши аниқланди. Операция муваффақиятли якунланиб, бемор палатага олингач, у билан суҳбатлашдик.

— Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсин, бугун ўзимни худди дунёга қайта келгандек ҳис қиляпман, — дейди Сарвар қувонч кўз ёшларини артиб. — Аҳволим анча яхши. Ростини айтсам, тўққиз йил давомида чеккан азобларим, умидсизликка тушган кунларим ортда қолганига ҳалиям ишонгим келмаяпти... Ҳар гал гемодиализ аппаратига ётганимда, танам мадорсизланганда, яшашдан чарчаб кетардим. Буйрак кўчириш операцияси жуда қимматлиги, оиламизнинг иқтисодий имкониятлари чекланганни сабабли баъзан тақдирга тан бериб, умидимни бутунлай узиб қўйган кунларим бўлган. Президентимизнинг мазкур тарихий қарори мен каби касал, аммо чорасиз инсонларга янги ҳаёт эшикларини очди. Давлатимиз бизни ташлаб қўймаганини, оғир кунимизда елкадош бўлганини қалбдан ҳис қилдим. Мен бугун қайта туғилгандек бўлдим.

Сарварнинг ҳикоясида яна бир қалбни ларзага солувчи муҳим жиҳат бор, бу халқимизга хос меҳр-оқибат ва жигарчилик ришталарининг қудратидир. Донор излаш жараёни бошланганда унинг қариндошлари, яқинларидан бир неча киши иккиланмай, ўз жигарини қутқариш учун буйрагини беришга тайёр эканини билдирган. Бу юксак меҳр оғир аҳволдаги беморга операциядан олдин улкан руҳий куч, ҳаётга кучли ишонч бағишлаган эди.

Қариндошлик меҳри ва инсонпарварликнинг юксак намунасини кўрсатган Юнус Абдиев амакиваччасининг соғлом ҳаётга қайтиши учун ўз танасининг бир бўлагини бериш қарорини ҳеч бир иккиланишсиз, чин юракдан қабул қилганини таъкидлайди:

— Яқин қариндошинг-жигаринг кўз ўнгингда сўниб борса, буни кўриб туриш энг катта азоб. Амакимнинг ўғли Сарваржонга донор кераклигини ва буйрагим унга мос келишини айтишганда, бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирганим йўқ. Ахир биз бир дарахтнинг шохларимиз, қонимиз бир. Оилам, фарзандларим ҳам бу қароримни тўлиқ қўллаб-қувватлади ва дуо қилиб турди. Бугун шифокорлар юзидаги табассумни кўриб, операция муваффақиятли ўтганини билганимда Яратганга шукроналар айтдим. Энг муҳими, укам яна соғлом ҳаётга, фарзандлари бағрига қайтмоқда. Унинг кўзидаги ҳаёт учқунини кўриш мен учун катта бахт.

Ушбу жарроҳлик амалиёти ҳудудда трансплантология хизматини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, аҳоли учун ҳам юқори технологик тиббий ёрдам имкониятларини янада кенгайтиради.

— Бугунги сана Жиззах вилояти тиббиёти тарихига чинакам зарҳал ҳарфлар билан унутилмас кун сифатида муҳрланади, — дейди Жиззах вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Махмарасул Умаров. — Илгари бундай операциялар биз учун ушалмас армон эди. Беморларимиз юз миллионлаб маблағ топиб, хорижий давлатларга, Ҳиндистон ёки Туркия каби мамлакатларга боришга, сарсон бўлишга мажбур эди. Кўпчиликнинг бунга молиявий қурби етмасди. Мана, соҳага қаратилаётган юксак эътибор туфайли юқори технологияли тиббий хизмат аҳолига ўзи яшаётган ҳудудда кўрсатилмоқда. Маҳаллий шифокорларимиз пойтахтлик олимлар билан елкама-елка туриб бу амалиётни бажарди, бу улар учун катта тажриба ва маҳорат мактаби бўлди. Вилоятимизда ҳозирги кунда гемодиализ олаётган 259 беморимиз бор. Ишонч билан айта оламанки, бу ҳали бошланиши. Биз давлатимиз яратиб бераётган имкониятлардан фойдаланиб, қолган беморларимизни ҳам босқичма-босқич мана шундай тиббий ёрдам билан қамраб оламиз ва уларни соғлом ҳаётга қайтарамиз. Бизда энди куч ҳам, шароит ҳам, билим ҳам етарли.

Жиззах тиббиёт кластерида бажарилган илк буйрак трансплантацияси шифокорлар маҳорати, замонавий тиббий инфратузилма ва давлат томонидан яратилаётган шароитлар уйғунлигининг амалий натижасидир.

Энг муҳими, бу воқеа Ўзбекистонда инсон қадри шунчаки баландпарвоз шиор эмас, балки энг олий ҳаётий қадрият сифатида эътироф этилаётганининг яна бир ёрқин исботи бўлди. Бир оддий инсоннинг соғлиғи, бир ночор оиланинг бахти, бир беморнинг сўниб бораётган умиди давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланаётгани янги Ўзбекистоннинг чинакам инсонпарварлик ва меҳр-муҳаббатга йўғрилган моҳиятини бутун дунёга намойиш этмоқда.

Жиззах тиббиёт кластеридаги ушбу тарихий операция нафақат бир беморга янги ҳаёт бахш этди, балки шифохона ўриндиқларида нажот кутиб ётган юзлаб беморларга сўнмас умид, минглаб инсонларга чексиз ишонч ва бутун жамиятимизга эзгулик ҳамда меҳр-саховатнинг буюк қудратини яна бир бор исботлаб берди.

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

---

**Иссиқ жоннинг иситмаси чиқади. Бирор жойимиз оғриса, баъзан шифокор маслаҳати ва ташхисисиз дорихонага шошамиз. Бу билан муаммоларни тезда ҳал қилиш ва вақтни тежашни хоҳлаймиз. Аммо пала-партиш, ўзбошимчалик билан даволаниш организмдаги ҳаётий муҳим аъзоларда турли оғир даражадаги асоратлар юзага келишига сабаб бўлиши, тўғри даволаниш учун қимматли вақт йўқотилишига олиб келиши мумкин. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази комбустиология ва токсикология бўйича бош шифокори ўринбосари Мардон НАРЗИЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.**

### Саломатлик – эл бойлиги

# ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ДАВОЛАНИШ

## соғлиқ учун ЖИДДИЙ ТАҲДИД демак



**— Ҳар қандай дори хавфсиз эмас, ҳатто рецептсиз бериладиганида ҳам қарши кўрсатмалар ва ножўя таъсирлар мавжуд. Шунга қарамай, ўзбошимчалик билан даволаниш ва унинг оқибатида юзага келаётган оғир асоратлар учраб турибди. Бу, табиийки, касаллик устидан назорат йўқолиши, инсон саломатлигига таҳдид солиши, айрим ҳолларда нохуш якун топиши мумкин, шундай эмасми?**

— Одамлар кўпинча “Агар оғриқ бўлса, мен таблетка ичишим керак” тамойили асосида ҳаракат қилади ва шифокор билан маслаҳатлашмасдан дори-дармонни ўзи танлайди. Натижада у касаллик аломатларини даволайди, аммо асл сабабини бартараф этмайди. Масалан, йўтал вирусли инфекция ва юрак етишмовчилиги аломати бўлиши мумкин. Нотўғри танланган дори ёрдам бермайди. Бундан ташқари, бу қимматли даволаниш вақти йўқолишига олиб келади.

Айрим дорилар кутилмаганда аллергик реакция ёки анафилактик шок чақирса, баъзилари жигар ва буйрак фаолиятига салбий таъсир қилади. Бошқалари эса юрак ритми бузилишига олиб келиши мумкин.

Ўзбошимчалик билан даволаниш шифохонага ётқизишни талаб қиладиган жиддий асоратларга олиб келган ҳолатлар мавжуд. Шунинг учун ҳатто рецептсиз бериладиган дориларни қабул қилишда ҳам турли ножўя таъсирларни ҳисобга олиш муҳим.

Бир неча дорини бирга қабул қилиш ҳар бир дорининг таъсирини сезиларли даражада ошириши ёки сусайтириши мумкин. Озиқ-овқат ва ичимликлар баъзан дорилар сўрилишини ўзгартиради. Тиббий маслаҳатсиз қабул қилинган дори даволаш самарадорлигини пасайтириши ёки организм фаолиятини издан чиқариш эҳтимоли катта. Айниқса, қонни суюлтирувчи дориларни ўзбошимчалик билан ичиш мумкин эмас. Сабаби, қоннинг ҳаддан ортиқ суюқ бўлиши жароҳатларда қон тўхтамай қолишига, инсульт ва бошқа касалликлар ривожланишига олиб келади. Юрак фаолиятига таъсир қиладиган дори-дармонларни қабул қилиш учун, аввало, беморлар кардиолог-терапевт мутахассислар кўригидан ўтиши керак.

Айтайлик, йўтал ва бурун битиши ўткир респиратор вирусли инфекция (шамоллаш) туфайли юзага келиши мумкин, бу кўпроқ илиқ суюқлик ичиш ва уй шароитида парвариш билан даволанади. Аммо у пневмония ва синусит туфайли ҳам келиб чиқади. Бу ҳолатда антибиотик буюрилади. Бемор ёки унинг яқини муайян аломат сабабини мустақил равишда аниқлаши мақбул ҳисобланмайди. Оддий шамоллаш деб ўйлаганимиз ортида ҳам жиддий хасталик бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Яна бир ҳолат. Одамлар соғлиқ билан боғлиқ муаммолар юзага келганда кўпинча поликлиникага мурожаат қилади. Шифокордан ҳар бир касалга индивидуал ёндашиб, барча жиҳатларни инобатга олган ҳолда даво чоралари тавсия қилиш талаб этилади. Афсуски, айрим ҳамкасбларимиз беморга керак-кераксиз текширувлар ўтказиши, шарт бўлмаса-да антибиотик буюриши учраб турибди.

Ўзбошимчалик билан даволанишнинг салбий оқибати узоқ муддатдан кейин ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мисол учун, антибиотик ва гормонал дориларнинг салбий таъсири кейинроқ сезилади. Антибиотик организм учун фойдали микрофлорани йўқ қилиши ҳамда жигар фаолиятига зарар етказиши мумкин. Антибиотикнинг асосланмаган ҳолатларда кенг қўлланиши оқибатида кейинчалик одамда асаб тизими издан чиқиши кузатилиши тиббиётда исботланган. Чунки инсонни руҳий мувозанатда ушлаб турадиган серотонин моддаси асосан ичакда ишлаб чиқарилади. Ичакдаги микрофлора организмимизга керакли витаминларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Гормонларни узоқ вақт қабул қилиш бўғим касалликлари, коксартроз, жигар касалликлари, гепатит кўпайиб кетишига ҳам олиб келяпти. Гормонларнинг яна бир салбий таъсири, у эндокрин касалликлар, мисол учун, қандли диабет юзага келишига туртки бериши мумкин. Шунингдек, буйрак усти безни етишмовчилигига сабаб бўлиш эҳтимолини ҳам истисно қила олмаймиз. Стрессга мойиллик кучаяди.

Айни пайтда электрон рецепт амалда. Карбамазепин, димедрол, психотроп дори рецепт асосида берилади. Шу сабаб истаган одам уни сотиб ололмайди. Тажрибамиздаги оғриқли бир ҳолатга тўхталмоқчиман. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ўрганилганда, қон босимини туширадиган дорилар кўп миқдорда истеъмол қилингани маълум бўлган. Айнан шу гуруҳга кирувчи дорилар ҳам рецепт орқали берилиши йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**— Антибиотикларни назоратсиз истеъмол қилиш кейинчалик қандай муаммоларни келтириб чиқариши мумкин?**

— Биринчи марта ўйлаб топилганда пенициллин яллиғланишларни самарали даволаган бўлса, ҳозир таъсири деярли сезилмай қолган. Кўплаб янги авлод дорилар яратилди, кучли антибиотиклар истеъмолга киритилди. Грипп ёки оддий шамоллаш белгилари кузатилганда кучли антибиотик тавсия этиш салбий оқибатини кўрсатди. Организмнинг чидамлилиги жуда пасайиб кетди. Бактериялар антибиотикларга мослашиб, улар таъсир қилмайдиган шаклларга айланди. Натижада оддий инфекцияларга ҳам баъзан дори таъсир қилмаяпти.

Келгусида инфекциялар туфайли беморларни сақлаб қолиш қийинлашиши мумкин. Бу эса ўлим хавфини оширади. Иқтисодий оқибатлари ҳам оғриқли. Кучли ва қиммат дорилар, ойлаб шифохонада ётиш ва қўшимча тиббий муолажалар ҳар қандай одамнинг тинкасини қуритиши табиий. Чидамли бактериялар одамлар ўртасида кенг тарқалиб, эпидемияни юзага келтириши маҳаллий ва халқаро миқёсда соғлиқни сақлаш тизимига муаммо бўлиши мумкин. Жарроҳлик амалиётлари, орган кўчириш, кимётерапияда инфекцияларнинг олдини олиш қийинлашади.

Ҳозирги пайтда янги антибиотик кашф этиш дунё тиббиётида катта муаммога айланяпти. Бу пневмония ёки бошқа яллиғланиш касалликлари пайдо бўлганда антибиотиклар самара бермаслиги эҳтимоли жуда ҳам катта дегани. Бу эса беморни сақлаб қололмасликка олиб келиши мумкин.

Антибиотиклар нафақат тирик микробларни, балки тирик ҳужайраларни ҳам ўлдириши ёки некрозга учрашига олиб келиши ҳеч гап эмас. Антибиотикдан кейин буйрак қуриб қолиши ёки юракка таъсири кўрсатиши кўп кузатилган. Ўпкада организмнинг иммунитетига қарши курашадиган сапрофит микробларини йўқ қилиши, аллергия кучайишига сабаб бўлиши исботланган. Айниқса, ёшларда кузатилаётган бронхиал астма, аллергик ринит ёки тери касалликлари — булар




антибиотикларни пала-партиш қўллаш оқибатида юзага келяпти.

Шамоллашни дорисиз даволаш осон бўлмаслиги мумкин, чунки уни келтириб чиқарадиган турли вируслар мавжуд. Аммо шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда касалликни антибиотиксиз, табиий йўл билан енгишга ҳаракат қилиш лозим. Иммунитетни қўллаб-қувватлаш, тўғри ишлашига ёрдам бериш учун витаминлар, минераллар, ўтлар ва иммунитетни оширувчи бошқа қўшимчалардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Антибиотиклар вирусларга таъсир қилмайди. Вирусли инфекциялар, шамоллашда кўпроқ суюқлик, мисол учун, наъматак, асалли чой, шарбат ва шўрва ичиш сувсизланишнинг олдини олади. Томоқни илиқ тузли ёки истеъмол содаси солинган сув билан тез-тез чайиш фойда беради. Кўпроқ дам олиш тавсия этилади. Шунда организмнинг инфекцияга қарши курашиш имконияти ортади. Хонани шамоллатиб туриш ва ҳавони намлаш инфекцияга қарши самара беради, иситма бўлганда шифокор тавсияси билан оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи дорилардан фойдаланиш мумкин.

**— Интернет ва ижтимоий тармоқлардаги тиббий тавсиялар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим.**

— Илмий далилларсиз интернет ва ижтимоий тармоқлардаги “мўъжизавий тузалиш” ҳақидаги фикрларга ишониш керак эмас. Агар рекламада дори “тез”, “кафолатланган” ёки “универсал” даволаши ваъда қилинса, бу эҳтиёткорлик билан ёндашиш учун сабабдир. Тўғри, айрим тавсиялар малакали шифокорлар томонидан берилади. Баъзан табиблар, биологик фаол қўшимча сотувчилар тавсияларига ҳам кўзимиз тушади. Аммо шифокор кўриги ва назоратисиз турли тавсиялардан фойдаланиш ўринли эмас. Бу беморнинг аҳволини оғирлаштириб қўйиши мумкин.

Айниқса, кейинги пайтда ижтимоий тармоқларда тана вазнини камайтириш бўйича шубҳали рекламалар кўпайиб кетди. Ана шу тарғиботларга ишониб текширилмаган муолажаларни олаётган, натижада оғир аҳволга тушиб қолаётган юртдошларимиз бизга тез-тез мурожаат қиляпти. Бу оғриқли муаммо. Ҳеч қачон, ҳеч нарса қилмай, ётган ҳолда озиш мумкин эмас. Шифокор кўриги, бир қанча текширувлардан сўнг муолажа олиш, тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш тавсия этилади.

Юртдошларимизда тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи қарор топишида шунга ихтисослашган марказларнинг ўрни алоҳида. Масалан, вазн ортишининг олдини олиш учун, биринчи навбатда, жисмоний фаолликни ошириш, тўғри овқатланиш маданиятини шакллантириш, дориларни тартибсиз ва шифокор назоратисиз қабул қилмаслик, стрессга мойилликни пасайтириш тавсия этилади.

**— Дори-дармон рекламаси одамларнинг ўзбошимчалик билан даволанишига қай даражада таъсир кўрсатади?**

— Рекламанинг таъсири яхшигина сезиляпти десак, хато бўлмайди. Реклама дорининг фойдасини таъкидлайди, натижада баъзи одамлар уни хавфсиз ва ҳамма учун мос деб қабул қилиши мумкин. Бу эса шифокорга мурожаат қилмай, дори ичишга ундайди. Реклама қилинган дорини ичиш билан тузалиб қоладигандек, инсон ўзида касалликни енгиб ўтишга куч топгандек туюлади. Бу дорини назоратсиз, ножўя таъсирларини обдан ўрганмасдан қабул қилишга олиб боради. Гарчи касаллик аломатлари ўхшаш бўлса-да, ҳар бир бемор индивидуал, ички имкониятлари турлича. Шифокор тавсиясисиз, ўзи билганича дори ичишнинг оқибатлари аянчли бўлиши мумкин.

Биологик фаол қўшимча дори эмас, касалликни даволашга мўлжалланмаган. Ҳар қандай дорини харид қилишдан олдин ахборот манбасини текшириш муҳим. Ишончли реклама дори таркиби, қарши кўрсатмалар ва мутахассис маслаҳати зарурлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

**— Шифокор ташхиси нима учун муҳим?**

— Мутахассис касалликни аниқ белгилайди. Бир хил белгилар турли касалликларда учраши мумкин. Мисол учун, иситма ва йўтал оддий шамоллаш, вирусли инфекциялар билан бирга бошқа жиддий касалликларда ҳам учраши бор гап. Баъзан инсон ўзини жуда ҳолсиз сезади. Бу витамин етишмаслиги, камқонлик ёки онкологик касалликлар белгиси бўлиши эҳтимоли бор. Буни текширмасдан туриб аниқ ташхис қўйиб бўлмайди. Бош оғришининг сабаблари турлича. Вақтида аниқланган сабаб касаллик кучайиши ва сурункали тусга ўтиши, саломатликка, инсон ҳаётига хавф соладиган бошқа жиддий хасталиклар юзага келишининг олдини олади.

Дорини кичик болаларнинг қўли етмайдиган жойга қўйиш керак. Тажрибамизда катталарга буюрилган дорини ичиб, заҳарланган болалар ҳам учраб туради. Баъзан ота-оналарнинг бепарволиги, тиббий маданият етишмаслиги туфайли содир бўладиган бундай воқеалар аянчли оқибат билан якун топади. Бир оиланинг қувончи, ҳаётимиз давомчиси бўлган болалар саломатлиги ҳамма нарсадан муҳим. Унга дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундай экан, дори-дармонни сақлаш ва қабул қилишга малака ва билим билан ёндашмоқ керак.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири**
**Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.**



**Айни кунларда диёримиз бўйлаб спорт эпкинлари — кураш ва метин ирода синови, ғалаба шукуҳи кезиб юрибди. Боиси, яқиндагина Олимпия шаҳарчасида ўтказилган катта спорт байрами — Янги Ўзбекистон талабалар олимпиадаси якунига етди.**
**Оммавий спорт тадбирида 160 мингдан ортиқ талаба йигит-қиз турли спорт турлари бўйича беллашди. Турнир давомида уларнинг тиришқоқлиги, кучли иродаси, маҳоратини кўриб, янги Ўзбекистон бунёдкорлари, олтин авлоди мана шу ёшлар эканига амин бўласиз.**









Учинчи Ренессанс пойдевори

# СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Кўчаларни кезсангиз, йирик экранларда футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасини қўллаб-қувватловчи "Олға, Ўзбекистон!", "Оқ бўрилар, биз сиз билан бирга!" каби шиор, қўшиқлар ижро этилган видеолавҳаларга гувоҳ бўласиз. Интернет, ижтимоий тармоқларда юзларига Ўзбекистон байроғини чизган блогер, шоу-бизнес вакиллари, футболнинг ашаддий ишқибозларига кўзингиз тушади. Телевизорни ёқсангиз, терма жамоамиз аъзолари машғулотларини кўришингиз мумкин.

Зеро, бу йилги жаҳон чемпионати ўзбекистонликлар учун ўзгача аҳамиятга эга. Ўзбекистон ўз тарихида илк мундиал йўлланмасини қўлга киритди. Халқимизнинг 34 йиллик орзуси рўёбга чиқди. Мамлакатимиздаги шукуҳнинг асл сабаби шу: соат миллари ўзбек футболсевар мухлисларининг юрак ритмига мос тарзда урмоқда.



Бугун терма жамоамиз халқимизнинг хоҳиш-истакларини ўзида акс эттирган янги Ўзбекистон бунёдкорлиги самараси ўлароқ, янгича қиёфага эга бўлди. Ўйинлар сифат даражаси кўтарилди. Терма жамоамиз мундиалда ҳам муносиб иштирок этишидан умидвормиз.

Бир пайтлар океанортида қуруқлик борлигини айтиб, қайсидир маънода Американи кашф қилган буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг авлодлари айнан ўша қитъада бўлаётган мусобақада иштирок этишида ҳам қандайдир ўзгача тарихий бир ишора борга ўхшайди. 34 йиллик орзунинг рўёби мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади ва футболчиларимиз жасорати дунё тарихида ўчмас из қолдиради.

Энг асосийси, бу интиҳо эмас, бу бошланиш. Яъни футбол бўйича терма жамоамизнинг илк мундиали. Келгусида биз мусобақанинг доимий қатнашчисига айланишимиз шубҳасиз.

Ҳар ҳолда соҳадаги янгиланишлар айни мана шунга хизмат қилади. Жумладан, юқорида қайд этганимиз, Янги Ўзбекистон талабалар олимпиадаси ёш спортчиларимизнинг халқаро турнирларга чиқиши учун пойдевор вазифасини ўтайди. Мусобақани томоша қилар эканман, халқаро олимпиада ғолиблари, футбол бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этадиган терма жамоамиз аъзолари айни шу ёшлар орасидан чиқишига ишончим комил бўлди.

Бундай мусобақаларни ташкил этишдан ҳам асл мақсад шу эмасми?! Мусобақалар сони ва салмоғи йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, Президент олимпиадаси ҳам шу мақсад йўлида хизмат қиладиган турнирлардан бири. Ўтган йилги баҳсларда туман ва вилоят босқичларида умумтаълим мактабларидаги спорт тўгараклари, хусусий спорт клублари ва 310 та спорт мактабидан 100 мингдан ортиқ ёш иштирок этди. Энг юқори натижага эришган 3 мингдан зиёд ўғил-қиз Президент олимпиадасига келди. Улар спортнинг 10 та йўналиши бўйича ўзаро беллашди.

Ўзбекистон спортчиларининг 2024 йилги Париж Олимпия ўйинларида 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза, жами 13 та медаль билан умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллагани, шунингдек, паралимпиячиларимиз 10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза, жами 26 та медаль қўлга киритиб, тарихий натижа қайд этгани етук зафардир. Кейинги Олимпиадаларда эса юқоридаги турнир ғолиблари бу натижани янада юксалтириши шубҳасиз. Чунки Ўзбекистон ёшлари халқаро мусобақаларга синовларда тобланиб, машаққатли меҳнат, ноёб истеъдодини намойиш этиб бормоқда.

Қайд этиш керак, Президент олимпиадаси ғолиблари махсус совринлар ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Энг асосийси, улар терма жамоаларга тўғридан тўғри йўналтирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил 26 ноябрда Олимпия шаҳарчасидаги стадионда Президент олимпиадасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқида қайд этгандек: *"Бундай йирик мусобақалар халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, катта маҳорат мактаби бўлади, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатида халқаро обрў-эътиборини янада оширади. Президент олимпиадаси тизими эса, ҳеч шубҳасиз, бундай мусобақаларга жавоҳир спортчиларни танлаб олишга, хусусан, 2028 йилда Лос-Анжелесда ўтадиган Олимпия ўйинлари учун ҳар бир ҳудуддан лицензиялар сонини кўпайтиришга хизмат қилади"*.



**Ўзим гувоҳ бўлган воқеа: бу йил иккита нашриёт китоб дўкони айрим китобларга вақтинчалик чегирма эълон қилди. Китоб дўкони эшиги олдида юртдошларимизнинг узунгина навбати юзага келди. Эътибор беринг, бу китоблар текинга берилмаётганди, ҳамёнбоп нархда сотилди, холос. Очиғи, бундай гўзал манзарани узоқ йиллардан буён кўрмаган эдим.**

Кейинги йилларда нафақат спорт, балки бошқа турли соҳалар бўйича ҳам кўрик-танлов ва мусобақалар ташкил этилмоқда. Улар ватанимизнинг олтин авлодлари ичида истеъдод жавоҳири юзага чиқиши, синовларда тобланиб, сайқалланиб, янада ёрқинроқ порлашига хизмат қилади. Бундай ёшлар эса келгусида юртимизнинг иқтисодий қудратини юксалтирадиган, халқимизнинг турмушини фаровонлаштирадиган турли соҳалар тараққиётига мислсиз ҳисса қўшиши табиий.

## Китобхонлик ҳаракати — залворли натижага элтувчи йўл

Китоб мутолаа қилиш ҳақида сўз кетганда, хаёлимга доим бир ривоят келади. *Бир куни шогирд устозининг ёнига келиб, китобни ўқиб чиққанини, аммо ақлли бўлиб қолмаганини айтиб шикоят қилади. Шунда устоз унга хурмо бериб, ейишини буюради. Ҳеч нарсани англамаган шогирд хурмони бир зумда паққос туширади. Шунда устоз шогирдига "Энди бўйинг ўсдими, катта бўлиб қолдингми?" деб сўрайди. "Йўқ", дея ажабланади шогирд. Шундан сўнг устоз бир дона хурмо танани тўйдирмаганидек, бир дона китоб ҳам инсонни донишманд қилмаслиги, у мутолаанинг узлуксизлиги ва билимнинг изчил жамғарилиши маҳсули эканини тушунтиради.*

Мутолаани доимий одатга айлантириш учун олдин китоб ўқишни бошлаш керак. Шу маънода, ёшларнинг мутолаага иштиёқини ошириш учун турли кўрик-танлов ва мусобақалар ташкил этилаётгани диққатга сазовор. Улар орасида ўтган даврда "Ёш китобхон", "Ёш китобхон оила" каби танловлар энг оммалашгани бўлди. Бунга "китоб ўқиган машина минади" деган чорлов катта ҳисса қўшди. Бу эса юртдошларимиз, айниқса, ёшларнинг мутолаага иштиёқини кўтарди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда яратилган қулай ижтимоий муҳит қатор хусусий нашриёт ва китоб дўконлари фаолияти йўлга қўйилишига замин яратди. Уларнинг иши йил сайин ривожланиб, қамрови кенгайиб бормоқда.

Ўзим гувоҳ бўлган воқеа: бу йил иккита нашриёт китоб дўкони айрим китобларга вақтинчалик чегирма эълон қилди. Китоб дўкони эшиги олдида юртдошларимизнинг узунгина навбати юзага келди. Эътибор беринг, бу китоблар текинга берилмаётганди, ҳамёнбоп нархда сотилди, холос. Очиғи, бундай гўзал манзарани узоқ йиллардан буён кўрмаган эдим.

Бир неча йил олдин кутубхоналардаги жавонларда минглаб асарлар чанг босиб ётарди. Вилоят, туман кутубхоналари эшигида ойлаб каттакон қулф осиғлиқ турарди. Аммо бу ҳеч кимни ортиқча ташвишлантирмасди. Баъзан тўрт-беш бола кутубхона эшиги олдига умид билан бориб, яна ортига қайтиб кетарди. Бир пайтлар текин китоб варақланмаган жойда бугун яхшигина китоб бозори шаклланди. Бунинг ҳаммаси тўғри юритилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ва халқимиз ҳаёти, дунёқарашини ўзгартира олаётган замонавий лойиҳалар самарасидир.

Бугун юртимизда айни йўналиш бўйича "катта сакраш" юз бергани жамият ҳаётида ўз аксини топмоқда. Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда китобхонлик бўйича умуммиллий ҳаракатга старт берилиши ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида китобхонлик ривожининг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди.

Ҳаракатнинг умумий йиллик мукофот фонди 240 минг долларни ташкил этиши, бош соврин соҳиби 50 минг доллар билан тақдирланиши мутолаа маданияти ва китобга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг амалий исботи. Бу юртимиз тарихида китобхонлик бўйича энг салмоқли мукофот бўлади. Мазкур ҳаракат мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олади. Унда умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этиши мумкин. Ушбу ташаббус мактаблар, оилалар ва бутун жамиятда китобхонлик муҳитини кучайтириш, ёшлар қалбида янги бунёдкорлик руҳини уйғотишга хизмат қилади.

Ушбу умуммиллий ҳаракат мутолаа халқимиз, айниқса, ёшларнинг кундалик иши, одатига айланишига катта ҳисса қўшади.

Машҳур ёзувчи Жеймс Клир "Атом одатлар" китобида ҳар қандай одат шаклланиши учун занжир шаклидаги тўртта босқич борлигини айтади. Булар ишора, иштиёқ, ҳаракат, мукофотдир.

Миллий китобхонлик ҳаракати ёшларнинг китоб ўқишини одатга айлантиришга туртки бера олади. Унда мақсад қўйиш учун сабаб, яхшигина мукофот бор. Ҳаракат қилганлар, албатта, ғолиб бўлиши ёшлар иштиёқини орттиради.

Давлатимиз раҳбари бу ҳаракат шунчаки китоб ўқиш мусобақаси эмас, балки жонажон Ватанимиз келажаги учун стратегик инвестиция эканини қайд этди. Бугун болаларимизнинг қўлига яхши китоб берсак, эртага улар янги Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга қодир бўлади.

## Муносиб ворислар

Илм-маърифат осмонидаги энг ёрқин юлдузлар буюк бобокалонларимизга тегишлидир. Бугунги умидли ёшларимиз ҳам илм-маърифат борасида дунё саҳнида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Жумладан, кейинги йилларда яратилган имкониятлар натижасида ёшларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медални қўлга киритди. Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби нуфузли олийгоҳларда таҳсил олаётган талаба ёшларимиз 500 нафардан, ТОП-100 таликдаги олийгоҳларда ўқиётган йигит-қизларимиз 3,5 мингдан ортди. Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексида энг тез суръатларда ривожланаётган давлат дея эътироф этилмоқда.




Бу бежиз эмас, албатта. Таълим тизими, илм-фан соҳаси ислоҳ қилинаётгани, самарали амалий лойиҳалар ҳосиласидир.

Айниқса, турли танлов ва фан олимпиадалари йўлга қўйилгани ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, кичик ёшдан ўз йўналишини белгилаб олишида қўл келмоқда. Улардаги турли шарт ва топшириқлар ёш ўғил-қизларни салкам мутахассис даражасига олиб чиқмоқда. Халқаро доирадаги натижалар пойдевори айнан шу танловларда қўйилмоқда.

Яқинда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ўтказилган Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика ва информатика олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси 61 та медални қўлга киритгани барчамизга чексиз фахр-ифтихор беради. Ўз навбатида, ушбу фанлардан жорий йил июль ойида ўтказиладиган Халқаро математика (IMO) ва информатика олимпиадаси (IOI)га навбатдаги тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди. Ёшларимиз бу олимпиадаларда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади.

Ал-Хоразмий номидаги халқаро олимпиада математика ва информатикага қизиқувчи ёшларни ўз атрофида жамлаётган бўлса, Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро олимпиада кимёгарларни, "Мирзо Улуғбек ворислари", "Келажак муҳандислари" илм-фан, инновация, муҳандисликда ноёб истеъдодга эга ёшларни саралайди.

Ушбу танловлар ғолиблари янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий таянчи, давлат қудрати ва салоҳиятини ўзида акс эттирувчи соҳаларнинг драйверлари бўлиши шубҳасиз.

## Жамиятнинг маънавий иммунитети

Шу йил 1 июнда маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан ўтказилган учрашувда мамлакатимиз етакчиси *"Қайси мамлакат адабиёт ва маданиятга эътибор берса, келажаги мустаҳкам бўлади. Қайси жамият ижод ва санъатни қадрласа, ўша халқнинг маънавий иммунитети кучли бўлади. Битта яхши асар, таъсирчан қўшиқ миллатнинг руҳини кўтаради, биргина спектакль жамиятнинг тафаккурини уйғотади, кинодаги бир образ бутун авлоднинг қарашини ўзгартиради"*, дея қайд этди.

Албатта, бундай яхши санъат асарларини истеъдодлиларгина ярата олади. Улар жамият мафкурасини шакллантириб, ёт ғоялар таъсиридан қутқариб, халқни ягона бир ғоя атрофида бирлаштира олади. Шу боис, давлатимиз раҳбари учрашувда ёш истеъдодларни, санъат, маданият, адабиёт вакилларини қўллаб-қувватлашнинг янгича механизмларини илгари сурди.

Бинобарин, чин санъат асарлари танлов асосида ажратиб олиниши айтилди. Шунингдек, мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ўртасида турли танловлар ташкил этишни топширди. Президентимизнинг "Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида ушбу тизимнинг аниқ мезонлари белгилаб берилди.

Ижод аҳли доим моддий-маънавий қўллаб-қувватловга муҳтож бўлади. Аммо кун келиб, уларнинг жамият ривожига ҳаммадан ҳам кўпроқ нафи тегиши бор ҳақиқат. Шу боис, давлатимиз раҳбари ёш истеъдодларга катта имконият, рағбат ва эркин ижод қилишга шарт-шароит яратиб берадиган тизим ташаббусини илгари сурмоқда.

* * *

Хулоса қилиб айтганда, бугун Ўзбекистонда ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмаяпти. Ёш авлоднинг истеъдодини сайқаллаш, билимини орттириш учун барчага тенг, қулай шарт-шароитлар муҳайё қилинмоқда. Зеро, ёшлар эртанги фаровон жамиятимизнинг бунёдкорларидир. Танлов ва олимпиадаларда ғолиб бўлган, яъни синовларда тобланган ёшлар эса янги Ўзбекистонинг асл таянчи бўлиши шубҳасиз.

**Санжар ЭШМУРОДОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-646.
30166 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 04:05 Топширилди — 04:10

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05